

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 11 » ИЮНЬ 2019 у.

№ 488

Toshkent sh.

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг
Шаҳрисабз филиалини ташкил этиш тўғрисида**

Қашқадарё вилоятидаги мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини ошириш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, ёшларнинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний қobiliятларини ривожлантириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган қатор долзарб масалалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон ҳамда “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ–3775-сон қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, туманлар ва қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларининг олий маълумотли малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Шаҳрисабз шаҳрида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиалини (кейинги ўринларда Филиал деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, Филиал Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг юридик шахс мақомига эга бўлган таркибий бўлинмаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири тушнрилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

2. Қуйидагилар Филналнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим муассасалари учун юқори малакали педагог кадрларни миллий ва халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

педагогика таълим соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методик вазифаларини ҳал этиш, илғор хорижий педагогик технологияларни жорий қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш ва иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

мамлакатимизда педагогика фани бўйича эришилган ютуқларни, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибасини ва Қашқадарё вилоятидаги таълим муассасаларининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув-методик адабиётлар яратиш;

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни кенг жалб этиш мақсадида педагогика соҳасидаги республика ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларга истиқболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Филиалнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

3. Белгилансинки, Филиалда ўқув жараёни 2019/2020 ўқув йилидан бошланади ҳамда талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда ҳар йилни тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

4. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Шаҳрисабз филиалининг васийлик кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, васийлик кенгаши қўйидаги устувор йўналишларда Филиални ривожлантиришга кўмаклашади:

ҳамкорлик шартномаларини тузиш амалиётини ривожлантириш, таълим ва илмий соҳадаги халқаро келншувларни амалга ошириш;

талабаларнинг ўқув ҳамда педагогик амалиётларни самарали ташкил этиш;

иқтидорли талабаларнинг ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасаларида амалиётни ташкил этиш;

Филиал профессор-ўқитувчилари ва ёш олимларнинг Scopus ва Web of science каби маълумотлар базасига кирган халқаро илмий журналларда илмий мақолалар чоп этиш борасидаги сарф-харажатларини молиялаштириш, шунингдек, ўқув-методик ва илмий-тадқиқот ишлар бажарнлишидан келиб чиққан ҳолда моддий рағбатлантириб боришни ташкил этиш;

Филиалда ўқув жараёнини ташкил этиш учун малакали профессор-ўқитувчилар, жумладан, хориждан ўқитувчилар, олимлар ва мутахассисларни жалб этиш ҳамда ёш олимлар, таянч докторантларни

хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларига стажировкага юбориш;

Филиалнинг педагог ва бошқа ходимлари меҳнат шароитларини ҳамда уларнинг ижтимоий таъминотини яхшилаш ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ой муддатда:

Филиалнинг тузилмасини олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ тасдиқласин;

Филиалнинг уставини белгиланган тартибда тасдиқласин ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Филиалда ўқув-методик жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин;

Филиал ахборот-ресурс марказини таянч олий таълим муассасаси томонидан қўшимча ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Филиални сақлаш харажатлари 2019 йилда “Маориф” соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2020 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади;

Филиалнинг бошланғич фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида унга ажратилган бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш (мебель, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ва бошқа моддий-техника воситаларини харид қилиш) ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади.

8. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 10-уйда жойлашган Қарши давлат университети қошидаги Шаҳрисабз академик лицейининг бино ва иншоотларини Филиалга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб кўйилсинки, Қарши давлат университети қошидаги Шаҳрисабз академик лицейининг ўқувчилари ўқишни битиргунларига қадар Филиал биноларида ўқув жараёнини давом эттирадилар.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мазкур бандда кўрсатилган бино ва иншоотларнинг белгиланган тартибда қабул қилиниши ва топширилишини таъминласин.

9. Филиалга 2 та, шу жумладан, 1 та хизмат ва 1 та махсус енгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг 2020 йил ва кейинги йиллар учун параметрларини шакллантиришда Филиалнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш лойиҳалари белгиланган тартибда киритилишини таъминласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Филиални онлайн маъруза ҳамда масофавий таълим учун телекоммуникация жиҳозлари ва инфратузилма билан таъминлаш, шунингдек, юқори тезликдаги интернет ҳамда электрон таълим миллий тармоғига белгиланган тартибда улаш чораларини кўрсин.

12. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги:

республика олий таълим муассасаларидан Филиалга фаолият юритиш учун таклиф этилган профессор-ўқитувчиларни уй-жой билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда Филиал тўғрисидаги маълумотлар Қашқадарё вилояти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин;

“Ўзтрансгаз” АЖ билан биргаликда бир ой муддатда Филиални табиий газ таъминотига улаш учун техник шарт берилиши чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов, олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокими З.Ш. Рўзиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Аринов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “II” июндаги 488 -сон қарорига
илова

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Шаҳрисабз филиалининг васийлик кенгаши
ТАРКИБИ**

1. Д. Аллаев – Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари, *Васийлик кенгаши раиси*
2. Ш. Шарипов – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори, *Васийлик кенгаши раиси ўринбосари*
3. М. Панжиев – Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи, *Васийлик кенгаши раиси ўринбосари*
4. А. Алимардонов – Қашқадарё вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи
5. С. Бузрукхонов – олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари
6. Т. Каримов – Шаҳрисабз шаҳар ҳокими
7. Б. Бекбўтаев – Шаҳрисабз шаҳар прокурори
8. Ш. Чориев – Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи
9. Б. Шойимкулов – Қарши давлат университети ректори

Изоҳ. *Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига, ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юқланган шахслар киритилади.*

